

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИ:  
ДОЛЗАРЪ ИЖТИМОЙ ВА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК МУАММОЛАР**  
*Республика илмий-амалий конференция материаллари*





Bu metoddan foydalanilganda kursantlar grammatik qoidalarni yaxshi o'zlashuv oladilar va har qanday matnlarni tarjima qila oladilar. Lekin grammatik-tarjima metod orqali chet tilini o'rgatganda kursantlarda so'zlashuv ko'nikmalarini hosil qila bo'lmaydi, bu esa ularning o'rganganlarini tezda unutib qo'yishiga olib keladi. So'zlashuv mahoratini hosil qilish uchun esa bevosita so'zlashuv ko'nikmalarini hosil qilishga qaratilgan metodlardan foydalanish zarur.

Kommunikativ (aloqa) metodi. Kommunikativ (aloqa) metodi hozirgi kunda barcha dunyo miqyosida eng ommalashgan metod bo'lib, bu metod AQSHlik ruhshunos olim J. Asher tomonidan ixtiro qilingan va bu metod qolganlaridan farqli ravishda faqatgina muloqotga kirishishga o'rgatadi va bu metod qo'llanilganda o'qituvchi hamda tinglovchi o'rtasidagi ruhiy to'siqlar yo'qqa chiqadi. Bu esa tinglovchilarning o'zlarini erkin his qilishlariga hamda chet tilida erkin muloqotga kirisha olishlari uchun muhimdir.

Barcha metodlarda bo'lgani kabi bu metod ham o'ziga xos bir qancha xususiyatlarga ega:

- tilni aloqa vositasi sifatida qo'llash;
- bu metodda faqatgina o'rganilayotgan tilda muloqot qilinadi;
- nutq mashqlari ijtimoiy hayotning real voqealariga asoslanadi;
- grammatik qoidalarga umuman e'tibor berilmaydi;
- barcha yo'riqnomalar chet tilida beriladi.

Kursantlarga chet tilini o'rgatishdan asosiy maqsad cheklangan vaqt oraliqida nafaqat suhbat qila olishga o'rgatish, balki ularda tarjima qilish, yozish va boshqa ko'nikmalarni shakllantirishdir. Har bir o'qituvchi o'zining tajribasidan va guruhlarining bilim saohiyatidan kelib chiqib, yuqorida sanab o'tilgan metodlarning imkoniyatlaridan samarali foydalansa, o'rganuvchilarda so'zlashuv, grammatika, yozish va tarjima qilish ko'nikmalarini rivojlantira oladi. Chet tillarini o'rgatishda nafaqat yuqorida ko'rsatilgan metodlardan, balki til o'rgatishda keng qo'llanilayotgan boshqa metodlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bu esa mashg'ulotlarni yanada qiziqarliroq bo'lishini ta'minlaydi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Сайид Мухаммад Зиё Хусайний. Форс тилини чет элликларга ўқитиш назарияси ва йўриқлари. Тошкент. "Yangi nashr" 2011. 12-15 бетлар.
2. Familirization of the ALC. Texas 2011. p. 21-23.
3. Бабанский А. Методические основы оптимизации учебно-воспитательного процесса» 1982., стр. 32.

### ТАРЖИМАДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ВОҚЕАЛАНИШИ

Н.К. Юсунова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Тил билан маданият ўртасидаги муаммолар доим олимларнинг диққат марказида бўлиб келган (В.Гумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, А.Потебня, В.Гелл, Ю.Сорокин, Е.Верещагин, В.Костомаров, Д.Олфорд, Д.Хаймс ва б.). Э.Сепирнинг фикрига кўра, "Язык тесно связан с культурой он «прорастает» в нее, выражает ее, является обязательной предпосылкой развития культуры в целом". Языки тил маданият билан чамбарчас боғлиқ, бўлиб, унда ривожланади, уни акс эттирилади ва маданиятни бутунлигича равнақ топишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Тил фақатгина мулоқот ва маълумотлар воситасигина бўлиб қолмай, балки миллатнинг, халқнинг маданиятини асосий қисmini ҳам ташкил этади. Шу

ўринида В.А.Маслова куйидаги фикрни билдиради: "Язык рассматривается как культурный код нации, а не просто орудие коммуникации и познания".

Э.Сепир ва Б.Уорфлар ўз фаразларида тил ва маданият уйғунлашувини нагари сурган ҳолда, тил-маданият махсули ва шу билан бирга маданиятнинг шакллантирувчи омил деб талқин этадилар. Зеро, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади, тилда ўзининг моддий қобиғини топиши билан бирга, атроф-муҳит таъсирида таракқиёт қилиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданията бир-биридан дастлабки ўринда воқеликни моддий ва маънавий ўзлаштирилддаги фарқи жихатидан ажралиб туради.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, миллий маданий хусусиятларга эга тил бирликлари сифатида асосан реалаялар ва фразеологизмлар эътироф этилади. Д.Ашурованинг фикрига, миллий маданий хусусиятларга эга тил воситалари реалаялар ва фразеологизмлар билан чегараланмай, миллий маданий ўзига хослик тилнинг барча сатхларида: фонетик, лексик, грамматик, фразеологик, сўз исалишида акс этади. Миллий маданий ўзига хосликни ифода этувчи лексикон: стилистик воситалар (метафора, метонимия, ўхшатиш, символ), экспрессив деривация, фразеология, ва бошқалар киришини таъкидлайди.

Тил ва маданият боғлиқлиги, миллий маданий ўзига хосликни акс эттириш таржима жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бир тилдаги дунё тасвири маданий ва маънавий хусусиятлари билан уйғунлашиб, иккинчи тилга узатилиши таржиманинг сифат ва самарадорлигига боғлиқдир. Демак, таржима бадий ижод махсули бўлиб, маданиятда муҳим ўрин эгаллайди. Бир тилдаги асарни иккинчи тилга ўгирилганда унинг нафақат маъно-мазмун ифода этилади, балки ўша халқнинг ижтимоий келиб чиқиши, тарихи, маданияти, дунёқараши ҳам кенг тарғиб қилинади. Шунга кўра, таржимон олдидаги мураккаб вазибалардан бири, халқнинг миллий дунёқараши билан бирга асрлар оша яшаб келган тарихи, кадриятлари, удумларини сақлаган ҳолда уни иккинчи халқ эгаларига етказиб беришдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёдаги барча мамлакатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти, ўтмиш тарихи, маданий ривожланиш ва турмуш тарзи жихатдан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир халқ ўзгача либоси, таомлари, урф-одатлари, хулқ атворига эга. Ана шундай миллий ва умуминсоний кадриятларни бирор бир асарда ифодаланиши ўша миллатнинг такрорланмас жихатларини намоён этади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарс ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. Бу каби хосликларни таржима тилида акс этилишида таржимондан бегона тил хусусиятларини йўқотмасдан, шу билан бирга ўз тилини нормаларига ҳам амал қилишдек маҳорат талаб этилади.

Адабиётлар тахлили кўрсатишича, миллий-маданий хусусиятларни таржимада акс эттирилишига бағишланган асарларда катта эътибор реалаялар таржимасига қаратилган. Реалаялар таржимаси муаммоси ҳам юртимиз, ҳам хорижий таржимашунос олимлар (ЛН.Соболев, Г.В.Чернов, Г.В.Шатков, М.П.Алексеев, А.В.Федоров, Я.И.Рецкер, И.Келлер, А.Е.Супрун, С.Влахов, С.Флорин) тадқиқотларида ёритилган. Дарҳақиқат, реалаялар миллий маданий ўзига хосликни ўзида акс эттирувчи энг ёрқин воситалардир.

Болгариялик олимлар С.Влахов ва С.Флоринлар реалаяларга куйидагича таъриф билдиришади: "слова (и словосочитания) народногоязыка представляющие собой наименования предметов, понятия, явлений, характерных для географической среды, культуры, материального быта или общественно-исторических особенностей народа, нации, страны, племени, и являющиеся,



таким образом, носителями национального, местного и исторического колорита, точных соответствий на других языках такие слова не имеют". Яъни, реалиялар махсус предметлар, тушунчалар, воқеликларни англаувчи сўзлардан иборат бўлиб, улар тарихга, турмушга, алохида миллат маданиятига таълуқли бўлади. Улар фақатгина бир тилгагина хос бўлиб, бошқа тилларда мувофиклик бўлмайди. Тиллар орасидаги тафовут эса одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туйғули улар номларининг ҳам айни халқ тилида табиий равишда йуклиги билан изоҳланади.

Миллий маданий ўзига хосликни акс эттирувчи воситалардан яна бири бу фразеологизмлар ва наремиядир. Тилнинг кўрки ва бадийлиги ҳисобланган фразеологизмлар тилда образлиликни ифодаловчи воситалар бўлиши билан бирга, халқнинг миллий маданияти, ўзига хос характери, юмори, қайғу ташвиши, образлари. Менталитетини кўрсатувчи кўзгудир. Шу боисдан, фразеологизмлар бадийий таъғнада образ, персонаж, характер кираларини тўла очишда, воқеа-ҳодиса, ҳолатларни образли, бўрттириб тасвирлашда қўлланиладиган муҳим тил бирлиги ҳисобланади.

Хар бир тил фразеологик захираси таркибида халқ ҳаётита мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, рухий ҳолатлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар ўз аксини топган бўлади. Муайян тил жамоаси лафзига мансуб бундай фразеологизмлар миллий хусусиятли тил воситалари сирасига киради. Улар тилнинг халқчиллиги ва ўзига хослигини белгилагани ҳолда, бадийий асарнинг миллий бўёғини юзага келтиради.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига хос маданиятга эга. Бу маданият, таъбир жоиз бўлса, шу халққа хос бўлган тафаккур, турмуш тарзи ва маънавий қарашларнинг жамулжамидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "...ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши варивожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Эътироф этиш лозимки, маданиятлар айнанлиги ёки бошқача қилиб айтганда, маданиятлар ўхшашлиги барча маданиятлар вакиллари ўзиники ва бегонага ажратишга асосланади. Бундай фарқлаш ҳамкорликка ҳам, қаршилик кўрсатишга ҳам олиб келиши мумкин. Шу маданиятлар ўхшашлиги алоқа жараёнига таъсир кўрсатувчи воситалардан бири сифатида қаралиши мумкин.

Бу ерда гап шундаки, одам бошқа маданият вакиллари билан биринчи бор муносабатга киришгандаёқ, уларнинг атроф муҳитдаги у ёки бу ҳодисага бошқача муносабатда бўлишига, уларда ўзининг маданиятига қабул қилингандан сезиларли даражада фарқлигиб турадиган қадриятлар ва ахлоқ нормаларининг шахсий тизимни мавжуд эканлигига тезда ишонч ҳосил қилишади.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, бегона маданият билан тўқнаш келган одам илгари бошдан кечирмаган ҳис-туйғу ва сезимни бошдан кечиради. Турли маданият ташувчилар муносабатга киришганда, улардан ҳар бирининг вакиллари ёт маданиятнинг қабул қилишда содда реализм позициясида бўладилар. Уларнинг фикрича, ўзлари кечираётган турмуш, услуби ва тарзи яққо-яқона жоиз ва тўғри ҳисобланади, ўз ҳаётида амал қиладиган қадриятлар барча бошқа одамлар у чуя бирдек тушунарли, очик ва ҳаммабодир. Фақат бошқа маданият вакиллари билан тўқнаш келгач, уларга одатдаги хулқ-атвор тушунарсиз эканлиги маълум бўлгандагина индивид ўзининг муваффақиятсизликлари сабаблари тўғрисида ўйлаб қолади.

Яна бир нарсани унутмаслик керакки, мазкур бошдан кечиришлар мажмуи анча кенг - энг оддай хайратланишдан то кучли қаҳр-у ғазаб, нафрат ва норозиликкача

ўзига қамраб олади. Бунда мулоқот буйича шериклардан ҳар бири ўз шеригининг дунёга маданий-хусусий қарашини англаб етмайди ва натижада ўз-ўзидан англашилган билан бошқа томон англаган ўртасида тўқнашув юзага келади.

Маълумки, ёт маданиятга тўқнаш келган ҳар бир одам, энг аввало, ўзи учун анча ноодатий ва ғалати, ажабланарли нарсаларга эътибор қаратади. Маданий фарқланишларни қайд қилиш, тасдиқлаш ва тушуниб етиш муносабат жараёнидаги ноувофикликнинг сабабларини тушуниш учун асос бўлади. Муаммо шундан иборатки, ҳозирги пайтгача ушбу тушунчанинг илмий таърифи яратилмаган. Барча ўринларда фойдаланилганда ва қўлланилишда у ҳар кун содир бўлиб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган одатдаги воқеа-ҳодисалар даражасида, яъни унга хос бўлган аломатлар ва хусусиятларни ажратиш ва санаб кўрсатиш орқали тушунилади.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, маданиятлараро алоқаларда турли маданиятлар вакиллари мулоқотга киришганда, дунёга маданий-хусусий қарашлар тўқнашуви юзага келади. Бунда дастлаб шерикларнинг ҳар бири ушбу қарашлардаги фарқлар аҳамиятини англаб етмайди. Чунки уларнинг ҳар бири ўз тасаввурларини табиий, тўғри деб, суҳбатдошининг тасаввурини эса ғайритабиий, нотўғри деб ҳисоблайди. Турли маданият вакиллари мулоқотга киришганда юз берадиган бундай назиятлар энг характерли ва мукамал ҳолат ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, индивид ўзга маданият вакили билан ўзаро ҳамкорлик қилганда, худди бошқа мамлакатга бориб қолгандек, ўзга дунёга тушиб қолгандек бўлади. Бунда у ўзи ўрганиб қолган шарт-шароитлар чегарасидан, одатланиб қолган тушунчалар доирасидан чиқиб кетади ва ўзига нотаниш бўлган, бироқ ўзининг номаълумлиги билан ўзига жалб қилувчи бошқа оламга йул олади.

Ўзбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, "бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олинishi, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга ҳизмат қилади".

Шу аснода диққат қилинса, бир томондан, ёт мамлакат нотаниш ва хавfli туюлади, бошқа томондан эса - ҳамма янги нарсалар ўзига жалб қилади, янги билимларни ва янги ҳис-туйғуларни ваъда қилади, дунёқараш ва ҳаётий тажрибалар доирасини кенгайтиради.

## ГУННЛАРНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА МУАММОНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ

А.Қўлдашев

### Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Дунё тарихида яшаб ўтган, ўз даврида империя яратган ва сўнгра парчаланиб кетган халқларнинг ҳеч қайси бирининг тақдири гуннлар ва уларнинг тили тақдиридек мавҳум бўлмаса керак. Гуннларнинг жаҳон тарихида қолдирган изи харқалай ўша давр тарихчилари ва монастырлардаги солномачиларнинг ёзувларидан қолган маълумотлар асосида бир мунча тўла ёритилган, гуннлар давлат тизимининг харбий санъати, харбий ва маъмурий титуллари, урф одатлари, қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озик-овқати, турмуш тарзи, ичимликлари номлари ҳақида ғарбда грек тили ва латин тилидаги ва кейинроқ герман тилларидаги манбаларда, Шарқда эса хитойлик солномачиларнинг ёлномаларида, турли мазмун ва характердаги ҳужжатларда қолган. Гуннлар билан тўқнашган бу авторлар хоҳ грек, латин ёки хитой тилида бўлсин гуннлар ишлатган сўзларни қандай эшитса ўз тилининг товушлари ва фонетик қонуниятларига таянган ҳолда ўз харфлари ва иероглифлари орқали беришга



	СЕМАНТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА КОНЦЕПТА «ВРЕМЯ» В АНГЛИЙСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ	181
82.	Н.Б.Саггарова	
	ВЛИЯНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА НА МОТИВАЦИЮ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ	183
83.	Д.Н.Атаханова	
	ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	185
84.	Я.И.Авликулов	
	ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ХУСУСИДА	187
85.	М.Т.Джураева	
	ВИДЕОФИЛЬМЛАР ВОСИТАСИДА ТИНГЛАБУШУНИШНИ	190
86.	М.Джураева	
	ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ	193
87.	З.У.Мелибаева	
	ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	194
88.	Ҳ.С.Раҳманкулова	
	ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОНДАРСЛИКЛАР ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	196
89.	Н.Қ.Рўзиева	
	ЎҚИТИШНИНГ ФАОЛ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА	198
90.	М.Саггаров, Г.Саггарова,	
91.	НЕМИС ТИЛИДА ГАЗЕТА МАТНИ, УНИНГ БИРЛИКЛАРИ, БИРЛАШТИРУВЧИ ВА АЖРАТУВЧИ ВОСИТАЛИРИГА ОИД	200
92.	З.Сирождинова	
	ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ АНГЛАШ ХУСУСИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ	202

	CHET TILI O'QITISH METODLARINING OLIY HARBIIY TA'LIM MUASSASALARIGA TATBIQ ETILISHI	268
115.	Н.К.Юсупова	
	ТАРЖИМАДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ВОҚЕАЛАНИШИ	270
116.	А.Қўлдашев	
	ГУННЛАРНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА МУАММОНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ	273
117.	Д.А.Камолова	
	СЎЗЛАРНИНГ НУТҚДА НУТҚ БИРЛИГИ СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ	276
118.	С.Каримшиқов	
	ТАРЖИМАДА МАДАНИЙ КОНЦЕПТЛАРНИНГ ЎРНИ	277
119.	М.Ж.Ортиқова	
	ТИЛ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК УСЛУБЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ	280
120.	Н.Б.Саггарова	
	ТИЛШУНОСЛИК. АДАБИЁТШУНОСЛИК. ТАРЖИМАШУНОСЛИК	281
121.	М.Аbdurahmonova	
	ENGLIZ TILINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH	284
122.	М.Аbduraxmonova	
	ENGLIZ TILINI O'QITISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH	286
123.	М.Шахакимова	
	ТА'LIM JARAYONIDA POWER POINT TAQDIMOTLARINI QOLLASHNING SAMARASI	288
124.	Х.М.Бобононов	
	ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ О'ҚИТИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ	291